

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида оммавий равишда пахта терими бошланди. Бугунги кунга келиб республика хирмонига 190 минг тоннадан кўпроқ янги ҳосил йилди.

Ў Хорезм вилоятида шолни ўрмига қиршилади. Бу йил вилоят деҳқонлари 100 минг тоннадан кўпроқ қирмизи дон тайёрлашни режалашганлар.

Ў Кеча республика аҳолига маъшият хизмат кўрсатиш концернида тармоқ корхоналарини давлат сардоридан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига бағишланган икки кунлик семинар иш бошлади.

Ў Америка Қўшма Штатлари йирик тижоратчиларидан бири, «Эл» ўзбеклар халқаро уюшмасининг президенти Абдурауф Мақсудий ўз ахши жамғармаларидан 8 миллион сўминини Ўзбекистон мустақиллигига бағишлаб Фарғона шаҳрида барпо этилган рамазий дарвоза қурилишига ажратди. У Марғилон шаҳрида йилга 100 нафар талабани инглиз тилида қуқур ва мукамал ўқитиш учун махсус мактаб очилишига сарфлаганини харажати ҳам ўз зиммасига олди.

Ў Хорезм вилоятининг ҳокими Маркс Жуманиёвнинг фармойиши билан ўзбек халқи халқинини Жалолидин Манғуберди жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблаглари Хива шаҳрининг 2500 йиллиги муроабати билан «Аббос-фильм» ижодкорлари томонидан сурат олинадиган фильм харажатларига сарфланади. Хозирда оқ қўшқор жамғармага 100 минг сўмдан кўпроқ пул ўтказилди.

### ҲАМДУСТЛИҚДА

Ў Россия Олий Кенгашининг ўтган куни очилган сессиясида Сўзга чиққан ҳукумат раиси вазифининг бажарувчи Егор Гайдар 1992 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоизга камайиши мумкинлигини айтиди. Ийли охирига бориб Россияда ишчилар сони 1,5 миллион кишини ташкил этиши кутилмоқда.

Ў Сочида Озарбайжон, Арманистон ва Россия мудфва вазирларининг хуфна учрашувида Арманистон билан Озарбайжон чегарасида жанговар ҳаракатларни 26 сентябрда тўхтатиш хусусида қарор қабул қилинди.

Ў Ростов вилояти маъмурулари Украина билан божхона чегарасини ташкил этиш чораларини қўра бошлади. 660 километр узунликдаги чегарада ташкил этиладиган 35 та божхона нуқтиси 1 октябрдан ишга тушиши керак. Украина билан чегара ўрнатиш учун 45 миллиард сўм сарфланishi ҳисоблаб чиқилди.

Ў Москва ҳукумати 1993 йилнинг биринчи ярмида матбуотни обуначиларга етказиб бериш учун шаҳар бюджетидан 100 миллион сўм ажратди.

Ў 1992 йил 27 сентябрда Россияда жорий этилган «ёзги» вақтинчи амал қилиши тугайди. Шу кун соат 3 да соат миллари бир соат орқага сурилди.

Ў «Известия»нинг хабар қилишича, бир неча кун илгари Петербургда Санкт-Петербург телевидениеси машҳур «600 дақиқа» ахборот кўрсатувининг раҳбари Александр Невзоров билан «Санкт-Петербургский ведомости» газетаси бош муҳаррири Олег Кузин ўртасида дуэль бўлиб ўтган. Рақиблар бир-бирига эски қуроол-мушкетдан ўқ узганлар. Бу дуэль натижасида ҳар икки журналист венгилига жараҳат олган.

### ХОРИЖДА

Ў Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 22 сентябрь кечкурун Сербия билан Черногорияни бу жаҳон ҳамжамиятида Югославия ўрнини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этди. Янги Югославия БМТ аъзолигидан чиқарилиди. Бу қарорни ёқлаб халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлган 127 давлат овоз берди.

Ў Теласлик миллилардер Росс Перо июль ойида АҚШ Президентини сайловдан ўз номзодини қатъий оlib «хато қилганини» айтиди. У ўз компанияси фаолияти ва раҳбарлари билан масхалатлашиб, агар улар рози бўлсалар, яна мустақил номзод сифатида АҚШ Президентини сайловда иштирок этишини маълум қилди.

Ў Денавр шаҳрида сайловда иштирок этган АҚШ Президентини Жорж Бушга суиқасд қилмоқчи бўлган 33 ёшли Дебора Батлер қоним ҳибсга олинди. Унинг ёнидан ўқланган пистолет топилди. Қотил аёл ўз муаммоларига эътиборни қаратиш мақсадида Президентни ўлдирини режалашганини айтиди.

Ў Хитой Коммунистик партияси XIV съездини шу йил 12 октябрда қачирдиш мўлжалланмоқда. Унинг кун тартибига Хитойга хос социализм қуриш ҳамда мамлакатда илхотлар ўтказишини ўн тўрт йиллик таърибларини умумлаштириш бу соҳадаги янги вазифаларни белгилаш қўйилди.

## ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИЛАШ ОМИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН халқлари тарихи музейида «Халқаро хусусий ҳуқуқ ва бизнес» мавзусида уч кун давом этган Ўзбекистон-Европа-Америка биринчи симпозиуми ўз иштини якунлади.

Бу анжуманининг халқаро миқёсдаги аҳамиятини ва хорижий ишбилармонларнинг юртимизга бўлган қизиқишини, унинг иқтисодийотиимизга таъсири чексизлигини шундан ҳам билса бўладики, симпозиумда иштирок этган Умумжаҳон банки дастурининг иқтисодчиси Сальвато Ватник хоним «Умумжаҳон банкининг бозор иқтисодидаги ўрни»да Ўзбекистонга ёрдам бериш дастури» ушбу йирик симпозиумнинг асосий таъкилотчиларидан ҳисобланган АҚШдаги «Ист-Вест Инновейшнс» корпорациясининг президенти Тахмина Рашидов хоним «Халқаро ҳамкорлик бўйича битим тайёрлаш», Меер Браун-Платт фирмаси Лондон қароргоҳининг директори Жеффри Гордон «Халқаро қўшма корхоналар» ҳақида, Умумжаҳон банки дастурининг раҳбари жаноб Клаус Лорч «Умумжаҳон банкининг халқаро иқтисодий тараққиёт дастури», АҚШ федерал резерв банкнинг масхалатчиси Гэрр Йоргенсон, Ўзбекистон Республикасининг бир қанча йирик иқтисодчи олимлари, вазирликларнинг ходимлари ва ҳуқуқшунослар юртимиз иқтисодийотиимизга хусусиятлари ва бозор иқтисодиётига ўши даврида унинг янгилашни каби мавзуларда қизиқарли маърузалар ўқидилар. Биз анжуман катнашчиларидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишларини илтимос қилдик.

Ў Генри Лим Кларк, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги факультетда ва мухтор элчиси:

— Энг муҳим воқеалардан бири — совуқ уруш сибсатининг барҳам топиши бир йилдан зиёд давр ичиде жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинган ҳур Ўзбекистон Республикаси учун саноати ривожланган ҳамжамият мамлакатлари билан муносабатларга киришда имкониётлар очди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг энг муҳим вазифаси ҳозир эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат. Фақат эркин бозор иқтисодиёти юртингизнинг гуллаб-яшнашига катта имкониётлар очди. Европа давлатлари, АҚШ техника ихозлар билан таъминлашда инвесторлар учун шундай ёрдам манбаларини топшида ёрдам қўлини чўзиши мукаррар. Аммо жамиятнинг ривожланиши, бахтли келажиги

халқнинг, шу миллатнинг қўлидадир. Сизнинг юртингизда республика иқтисодиётини юқори чўққиларга кўтариш учун табиий бойликлар, хом ашё етарли, қишлоқ хўжалигида ҳам маълум ютуқларга эгасизлар. Хом ашё ва қишлоқ хўжалиги махсуслотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш даркор. Бозор иқтисодиётига ўтишда айниқса мулкчилик ва хусусий ишлаб чиқаришга кенг йўл очиш, бу йўлда қонунларни шакллантириш мақсадага мувофиқдир.


Ў Мона ХОДАМИ, америкалик хусусий фирма соҳибаси:

— Биз, америкалик саноатчилар ва хусусий фирмалар эгалари Ўзбекистоннинг иқтисодиётини ривожлантиришда яқиндан ёрдам беришимиз мумкин. Мустақилликка эришганингизга бир йил бўлди. Бундай ишлар сизларда энди бошланаяпти. Халқаро симпозиумни ўтказишдан мақсад Ўзбекистондаги давлат ва хусусий корхоналарнинг америкалик ва фарб мамлакатдаги юртингизда бозор муносабатларининг шаклланиши, инвестиция йўли билан давлат демократик институтларининг жузуга келишида иштирок этишни хошловчи фирма ва техника экспортлар билан алоқасини жузуга келтиришдир. Бу йўлда мен иккиламма фойдали ҳамкорликнинг келажиги порлоқлигига ишонаман.

Ў Аҳмадбек ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кўчаларини ўрганиш кенгаши шўбаси мудири, иқтисод фанлари доктори:

— Мустақил республикамиз учун қўшма корхоналар, инвестиция, ҳамжамият мамлакатлар иқтисодий алоқасининг фаол аъзоси бўлиш йўлида Жаҳон банки кредитлардан фойдаланиш масалалари янги иқтисодий муносабатлар бўлиб қалиб бу соҳаларда адлия қонуналаримиз ҳам шаклланиш йўлидадир. Агар эътибор берилган бўлсангиз симпозиумга Молия институтини ва Ўзбекистон Республикасини Фанлар академияси билан биргаликда адлия вазирлиги ҳам ҳомийлик қилганининг сабаби шунда. Албатта Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг эркин бозор муносабатларига ўтишда ёрдам бермоқчи бўлаётган америкалик ва европалик сармоядор ва ишбилармонларнинг ҳаракати икки ёқлама фойдали натижаларга олиб келиши даркор. Ахир халқимиз беҳиз сиз ҳам, каюб ҳам куймасиз, деган.

Суннат АЗЛАРОВ.



Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида қўшма корхоналар қийин вазиятни бошдан кечирмоқда. Лекин айрим корхоналар бора-бора ўз фаолиятларини юқори даражага кўтаришга ҳаракат қилишмоқда. Шаҳримиздаги «Средстваматика» заводига ҳам ишлар бирмунча яхши йўлга қўйилди. Бу корхонанинг механика-ингув ҳецида кўпроқ фахрийлар меҳнатига алоҳида эътибор берилади. Сабаби, уларнинг кўп йиллик тажрибалари ёшларни ўргатишда жуда қўл келаётир. В. Никитин корхонанинг ишончли усталаридан бири саналади.

СУРАТДА: В. Никитин иш устида.

Андрей Пшпенко сурати.

## ҚУЛАЙ МОСЛАМА

ФАН ва техниканинг ютуғи шу даражага етдики, эндиликда машинасозлик саноатига эластик материаллардан кенг фойдаланилмоқда. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлешмасининг бир гуруҳ етакчи муҳандислари томонидан яратилган эластик асбоб ҳам ўзининг қатор афзал томонларига эга.

Машинасозлик саноати турли хил технология тadbирларини амалга оширишда фойдаланиладиган мазкур асбоб эҳтиёт қисмларини алмаштириш, уларни жой-жойига қўйишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунга қўра уни маддиносозликнинг барча турдаги корхоналарига таърибмасининг бир гуруҳ етакчи муҳандислари томонидан яратилган эластик асбоб республикамиздаги бир қатор трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида жорий этилди.

Севара ТУРСУНОВА.

## МУДДАТИДА ТОПШИРИЛАДИ

ПОЯТХТИМИЗНИНГ «Белтепа» мавзесида яна бир турар жой кинири қад кўтерди. Айни пайтда бу 9 қаватли уйда Тошкент қурилиш бoш қармасига қарашли йирик ҳажмли таъриба уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бoш қармаси қурувчилари самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳозирги кунда улар бинонинг 9-қаватида қурилиш-тиклаш ишларини олиб бора-

— Кейинги вақтлардаги қурилиш материалларининг тақчиллиги ва қимматлигига қарамасдан бинокорлар ўйини ўз вақтида фойдаланишга топширишга ҳаракат қилишмоқда. — дейди биз билан суҳбатда бoш бoш қарма қурилиш бўлимининг бoш мухтассиси Владимир Зелепунин. — 90 хонадонга мўлжалланган бу бинони қурувчилар шу йил октябр ойида ниҳоясига етказишмоқчи.

Ғафур ЯУЛДОШЕВ.

## ЯНГИ ПУРКАГИЧЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Училишларнинг ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг микробиология ва кимёвий воситалар сарфини бир неча мартаба камайтирувчи янги пуркагичлар яратилди. Улар техника-Мазкур мосламаларини дефолляция мақсадида фойдаланиш ҳам демиги, қишлоқ хўжалиги самаралар берилган муҳандислар ҳамкорлигида ишлаб чиқилди. Институт директори, Алимўхамедовнинг айтишича, ушбу техника фанлари фақат юқори самара-

дорлиги билан эмас, балки дори сарфининг одатдаги пуркагичлардан 6—10 мартаба камлиги экологик талабга жавоб бериши билан ҳам фарқланади.

Абдумалик АВДУРАҲМОНОВ.



\* Суратли ахборот

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЯЛОВНИИ УТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЯ СЯЛОВ КОМИССИЯСИННИНГ АХБОРОТИ

1992 йил 23 сентябрда ўртоқ Қ. А. Аҳмедов раислигида Марказий саялов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

301-Қордаё округ комиссиясининг «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини қачириб олиш тартибни тўғрилади» қонунига, округдаги бир қанча меҳнат жамоаларининг таллифлари ва бошда материаллар асосида Ш. Мирсаидовнинг Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигини қачириб олиш бўйича ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баъини кўриб чиқиб, Марказий саялов комиссияси шунини қарор этганини, халқ депутатлигини қачириб олишга таллифларни кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамма тadbирлар қонуни чалабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилган.

Халқ депутатини қачириб олиш жосаддан овоз беришда саяловчилар умумий сони

нинг 94,3 фоизи қатнашди, саяловчиларнинг 96,8 фоизи депутатликдан қачириб олишни ёқлаб овоз берди.

Марказий саялов комиссияси овоз бериш натижаларини қайд этди ва юқориде кўрсатилган қонунининг 1992 йил 23 сентябрдан эътиборан Ш. Мирсаидовнинг халқ депутатлиги ваколати муддатидан илгари тўхтатишга деб қолди.

Мажлисида ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 330-Хатирчи саялов округидаги саялов натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Марказий саялов комиссияси 1992 йил 20 сентябрь кунини Навоий вилоятлигидаги қачириб олишга таллифларни кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамма тadbирлар қонуни чалабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилган.

Халқ депутатини қачириб олиш жосаддан овоз беришда саяловчилар умумий сони

## НУРОНИЙЛАР ОРОМГОҲИ ОЧИЛДИ

КЕЧА шаҳримиздаги Юнусов даҳасининг 19-мавзеси кишилар билан одадгадиган кўра гаважум бўлди. Бу ерда ўзбекона урф-одатларимизга кўра қариларимиз учун ажойиб тўхфа — Тошкент шаҳар Ҳошим иқрония маҳкамаси иқтисодий-таъминот бoш қармаси Нуронийлар оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда таъриф буюрган шаҳар ва район ҳокимлигининг вакиллари, Юнусовод районининг маҳалла комитетларининг раислари ва фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, қўшунчи, барчалнинг дилда қувонч, қалоларида ифтихор.

— Гузал пойтахтимизда табаррук кесаларимиз дам оладиган оромгоҳининг очилиши айни муддао бўлди, — дейди сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-таъминот вазири Санобар Хўжаева. — Келажакда уни барча қулайликларга эга қанаторийга айлантиришимиз, Қариларимизнинг саломатлигини тиклаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча дори-дармонларини, муолажаларини ташкил этиб берамиз. Оромгоҳимиз республикамизга ўхшаб мустақил, бадавлат ва меҳр, севинчга тўла бўлсин. Уй-лайимани, гамхўрлик, меҳр-шафқатга бой ушбу маскан отахон-онахонларимизни и н г энг сеvimли жойлари бўлиб қолди.

Сўнг Тошкент шаҳар Кенгаши маҳалла ва уй комитетлари билан ишлаш доимий комиссияси раиси Шуккур Темуров, Юнусовод районининг ҳокими Рустам Каюнов, қурувчилар номидан Павел Минасов, Тошкент шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Тўлиб ага Содинқовлар ҳам ўзларининг дил сўзлари билан нуронийларимизни қутлашди.

Ушбу ажойиб тadbирнинг энг ҳажимли давлари келди. Тўлиб Содинқов ҳамда икки нуроний отахон қарнайл Павел Минасов, Тошкент шаҳар фахрийлари остида лентани қирқинди. Сўнг отахон ва онахонларимиз оромгоҳини хоналарига қириб бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Охинонада эса йилгиланлар дастурхон атрофида Ўзбекистон одадига бир шёва чой ва ошпа тақдир этилди.

— 1 октябрдан оромгоҳини қабул қила бошлайди, — дейди шаҳар иқтисодий-таъминот бoш қармасининг бошлиғи Холиди Турсунова. — Навбатда турганлар район иқтисодий-таъминот бўлимига арна берган, шаҳар бoш қармаси томонидан уларга 24 кун давомида давола-нишлари учун текин бўлган-ма берилди. Ногиронлар ҳам ногиронлар жамияти оқ-қал махсус корпусага жойлаштириладилар.

Дарҳақиқат, шаҳримизда яна жуда катта савоб ишга қўл урилди. Уни ташкил этишда қатнашганлар ва тиклаганлар чиндан ҳам нуронийларимизга ажойиб совга тортиқ этишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: Нуронийлар оромгоҳи очилишидан лавҳалар. Воҳид Тўраев суратлар.

## Тошкент шаҳар ҲОКИМЛИГИ СОВРИИ УЧУН Халқаро анъанавий мусобақа

ИТАЛИЯЛИК машҳур олим ва муҳандис Леонардо да Винчининг 1495 йили чизган оёқлар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган меканизм лойиҳаси XIX асрга келибгина россиялик Артамонов, германиялик Дрейзинг бир-бирларидан бeҳ-бар ҳолда олиб борган изленишларига асос бўлиб велосипеднинг яратилишига олиб келганди.

1893 йили Халқаро велоспорт федерацияси тузилганди. Шундан буён велоспортчилар Олимпиада ўйинларида доимий равишда қатнашиб келадилар. Ехуд машҳур «Тур де Франс», Тинчлик пойгалирини, жаҳон биринчиликларини олинди. Бундай жоизбадор мусобақаларни ўз кўзи билан кўришни орзу қилмайдиган спорт мухлисис бўлмас керак.

Ўзбекистон Республикаси велоспорт федерацияси эса ана шундай имкониёт яратиб бермоқда. Унинг ташаббуси билан 1992 йилнинг 1—4 октябр кунлари шаҳримизда Тошкент шаҳар Ҳокимлиги совринлари учун велоспорт бўйича «Тунги критерий» Халқаро анъанавий мусобақалар бўлиб ўтди.

МДХ мамлакатларидан фақат Тошкент шаҳрида ўтказиладиган велоспорт бўйича халқаро миқёсдаги мазкур мусобақа тарихи, уни ўтказиш тартибни ҳақида газетамизнинг келгуси сонларининг бирда батафсил ҳисоб қилинади.

Шухрат АРМОН.



**БОЗОР** иқтисодиёти шароитида амалий фаолият самарасини бермоқда. Чунки мана шу йил билан мустақилликка эришган республикамизнинг келажиги янада раванг топиши маълум бўлмоқда. Авваллари фақат хом ашё базасига айланган Ўзбекистон бугунги кунда ўз тақдирини ўзи ҳал қилиб, дастлабки амалий натижаларга эришмоқда.

Шахримиздаги Урта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозирги кунда энг тараққиёт эвазига корхоналардан бири ҳисобланади. Қувончлиси шундаки, биргина мана шу корхона жаҳонга ўз маҳсулотларини чиқара бошлаганига ачча вақт бўлди. Бирлашманинг мутасаддилари бугунги иқтисодиётимизнинг инқирозга юз тутмаслиги учун тинимсиз изланмоқдалар. Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари республикаларининг тадбиркорларини баҳамжихат ишлашга қармоқдалар.

Ҳабарингиз бор, бундан олти ой илгари бирлашмада МДХ давлатлари ишбилармонлари ва ийрик саноат корхоналари раҳбарлари билан учрашува ўтказилган эди. Унинг кеча яна шундай амалий учрашува бўлиб ўтди. Унда шахримиздаги саноат корхоналаридан ташқари МДХ давлатларининг 100 дан ортиқ турли ишлаб чиқариш бирлашмалари ва заводларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Фурсатдан фойдаланиб учрашува ҳомиyasi, Урта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Абдуманнон Алимов ва бошқа иштирокчилар билан ҳамсухбат бўлди.

Ҳозирги иқтисодиётимиз инқирозга юз тутайтган ҳеч кимга сир эмас. Лекин буни кўпроқ иқтисодиёт мутасаддилари кенг жабада тушуниб етиб иш тутмоқлари зарур, — деди А. Алимов. — Тўхтаб қолгани кутулаётган завод ва фабрикалар тақдирини билан биз ҳамкасблар шугулланмасак, ким шугулланади. Тўғри, ҳозирги вақтда янги тайёр дастгоҳдан тортиб оқддий хом ашёларнинг ҳам нарх-навоси баланд. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам тўхтаб қолгани йўл қўймаслик керак. Мана бизнинг бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади ҳам шу. Иштирок этганларнинг барчаси нимага қодир эканлигини ва мана шу ердан корхона учун ҳамроҳ топиб ишлаб чиқаришни раванг топтиришларига имонини қомил. Чунки улар орасида фақат электр аппаратлари эмас, металл, пластмасса, машинасозлик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб

чиқарадиган корхоналарнинг вакиллари бор.

○ Турдуйов Абдуғофуров, Андижон вилояти, Қорасув заводи (собик филиаллардан бири) бош муҳандиси:

*\* Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

## ЯНА БИР АМАЛИЙ УЧРАШУВ

— Корхонамиз Урта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қорасув районидagi филиали ҳисобланарди. Йил бошидан бошлаб мустақил завод ҳуқуқига эга бўлди. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юкляди. Учрашува давомида кўп суҳбатлар қилинди, МДХ давлатлари корхоналарининг вакиллари бундан буён биз билан тўғридан-тўғри алоқа қилишга келишиб ҳам олди. Шу кунгача 100 га яқин корхоналар билан маҳсулот айирбошлар эдик. Бундан буён унинг сони янада ортади. Айтиб ўтаётганимиз йўқ. Энг аввало халқ талаби ўрганилиб чиқиб, эшиклар учун ошник-мошиқлар, газ горелкалари, ички кўфлар тайёрлаб чиқарилаёмиш. 700 нафардан зиёд завод ахли тайёрлаган халқ истеъмолчи буюмлари ва асосий маҳсулотлар берача манзур бўлмоқда. Яна бир нарсани олдимизга мақсад қилиб қўйганимизки, бу биз билан қайси корхона яхши иш олиб бора, ушлар билан қўшма корхона тузиш. Агар бу иш ҳам амалга ошса ишимиз ёмон бўлмайди.

○ Зинаида ВОЛОДИНА, Череповец шахридаги металл комбинати вакили:


— Мен бу корхонани фақат маҳсулоти орқалигина билман. Собик Иттифоқ даврида кўп олдир-берди ишларни марказ орқали қилардик. Мана энди 1991 йил охири — 1992 йил бошидан тўғри алоқага чиқаямиш. Урта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан асосан энергетика панеллари, электротехник аппаратлар ва бошқа электр тармоқлари учун жиҳозлар олинади. Шунинг аниқлиги, маҳсулот қандай ҳамма бўлмасин, асло сифатли. Шунинг учун ҳам бу корхонани ва тўғри Тошкентни ўз кўзим билан кўриш учун учрашувада иштирок этдим. Учрашува меваси сарҳисил ва тотли бўлиши аниқ.

○ Рим АХАТОВ, Қозғонистон Республикасининг Петропавловск шахридаги электроизоляция материаллари заводи директорининг ўринбосари:

—Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикалари корхоналари раҳбарларининг ўзаро учрашуви жуда катта аҳамиятга эга экан. Мен бунга мана шу учрашудан хулоса чиқариб айтаяман. Учрашувга хомийлик қилган корхона маҳсулотларининг олий даражадаги сифати бошқаларини ҳам янада яхши ишлашга ундамоқда. Умуман бундан кейин яхши натижа берадиган амалий учрашувлар кўпроқ ўтказилиб турса ва унда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланса барча республика корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги тараққиёти сўзсиз авж олади...

Икки кун давом этган учрашува давомида иштирокчилар корхона фаолияти билан танишиб, ишчилар билан оқиқ мулоқотда бўлишди. Шунингдек, МДХ республикалари раҳбарлари номига муносабатнома қабул қилишди. Корхоналарнинг ўзаро алоқасини янада ривожлантириш борасида республикаларaro электротехника ва ускунасозлик корпорациясининг президенти О. Анфилов ва Ўзбекистон давлат радиоелектрон, электротехника саноати ва асбосозлик концерни бошқарувининг раиси Х. Тожиёвлар ҳар қандай ёрдам зарур бўлса кўмаклашишларини билдирилди. Учрашува шахримиздаги ва вилоятдаги ийрик саноат корхоналарининг иш фаолиятини кўриш билан якунланди.

Гулзода МАМБЕТОВА, СУРАТЛАРДА: учрашува иштирокчилари ўзаро фикрлар алмашишмоқда. Андрей Пищенко сурачлари.



Ўзбекистон Республикаси Меллорация ва сув ҳужаллиги вазирлига қарашли «Узводрибормаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият кўрсатганига 50 йил бўлди. Шунга қарамасдан жамоада корхона ташкил топган кундан бошлаб ишлаётган меҳнат фахрийлари ҳам ишлашди. Шулардан бири Адельша Батраковдир. У ҳозир нафақахўр бўлишига қарамай ҳамон меҳнат қучоғида.

СУРАТДА: Адельша Батраков иш устида.  
Усмонов Усмонов сурачлари.

## ИЖОДКОРЛАР ҲАМДА ҲАМДА

АКМАЛ Икромов номидаги Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтида Ўзбекистон халқлари тарихи дарсини ижодкорлар ўтишди. Абдулла Авлоний номидаги мукофот соҳиб, ёзувчи Турсунбой Адашбоев 1-курс талабаларига Ўзбекистон истиқлоли тўғрисида гапириб берди. У ўзбек ва қирғиз, тожик ва қозоқ халқлари тарихининг уйғунлигига алоҳида урғу берди. Асли ўзи Уш шахридан бўлган Ўзбекистоннинг қирғиз адабиёти вакили Турсунбой Адашбоевнинг суҳбати талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Чимкент шахрида туғилган шоир Ҳамда Имомбоев эса ўзқанда тилга олган мавзуда адабиётлар қардошлигига оид қизиқарли ҳикояларни сузлаб берди. Ижодкорлар машғулот сўғида кўплаб саволларга жавоб қайтаришди. Тарих фанлари доктори, профессор А. Разақов ўтилган дарсини умумлаштириб, таҳлил қилар экан, ўзбек тарихи — кўнча турон тарихининг тарихий қисми эканлигини таъкидлади.

Собир БОЗОРБОВ.

## \* Истеъмол буюмлари манзурми? ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЯДИ

ТОШКЕНТ тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётган қайси мутахассисдан сўраманг, бир овоздан корхонада ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган биронта халқ истеъмол молининг ўзи йўқ, деб жавоб беришади. Масалан, ҳозир бозорда дамол ташки. Шунга қараб бемалол дамол ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Фақатгина унгина эмас, балки бошқа халқ истеъмол моллари ҳақида ҳам худди шундай фикрини айтиш мумкин. Бунинг корхона пешқадими Исроил ана Чиндавлатов ҳам тасдиқлайди. У мана 16 йилдирки, шу бирлашмада меҳнат қилиб келмоқда. Иллар давомида у цех технологияси, уста, катта уста, цех бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Тошкент тўқимачилик ва энгиз саноати ва аппаратлари факультети кечки бўлимида ўқиб, уни аъло баҳолага битирди. Ҳозирда корхона халқ истеъмол молларини уйғунлаштириш бўлимининг бошлиғи. Яъни барча илмий ишлар Исроил ака бошчилигида олиб борилади. Ишлаб чиқаришдаги барча муаммолар, ютуқ ва камчиликлар унга беиз қўлдек таниш.

Заводда халқ истеъмол молларидан қозон, электр гўшт майлалғич, дала ҳовиллар учун стуллар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш, албатта корхонанинг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Аммо кейинги йилларда тўқимачилик машиналарига бўлган талаб пасайиб кетди. Сабаб, ушбу машиналарни ишлаб чиқариш катта маблағлар эва-

зига амалга оширилмоқда. Маблағлар эса текинга келмайди. Уларни пулга сотиб олиш керак. Натижада машиналарни ҳаддан ташқари қимматига сотишга тўғри келмоқда. Бундай нархга эса ҳамма ҳам олавермайди. Хуллас, яна муаммо пайдо бўлмоқда. Корхона мутахассислари, энди тўқимачилик машиналарини ишлаб чиқаришни қаматириб, ўрнига харидоргири, ҳаракатни қоплаб оладиган халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар. Исроил ака Чиндавлатов бошчилигидаги халқ истеъмол молларини уйғунлаштириш бўлими бу соҳада бир қанча ишларни режалаштириб қўйди. Масалан Чун радиатор — уй иситиш каби буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳамма сарф харажатлар ҳисоб-китоб қилинган. Энг муҳими агар уй иситишчилар ишлаб чиқариш ҳам халққа фойдали, ҳам бирлашма ишчиларини унинг иш жойлари очилиши мумкин. Бундан корхона миллион сўмлаб фойда олиши шубҳасиз. Шунингдек, электр чайнақлар, ҳонадонларда ишлатилган халқ истеъмол моллари дастгоҳлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилмоқда. Россиянинг Железнодорожск шахридаги Кристалл заводи билан ҳамкорликда «Пеккин — Бокс» деб номланган советтик (холодильниклар) ишлаб чиқариш тавсия қилинган. Хуллас, бўлимда ишлар қизиб. Унинг хизматчилари эса қийинчиликларга қарамасдан, корхона иқтисодини кўтариш учун қўлларидан келган барча ишларни бекам кўст адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Вобужорд ИМОМОВ.



○ Маълумки, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўзининг шонли 50 йиллик тўйини нишонлади. Халқлар дўстлиги шароитида шу сабабга бағишланган таънади кеча бўлиб ўтди. Унда бирлашманинг босиб ўтган йўли, корхонада ишчи касбияни удуғлаётган чини фойдаланган ҳақида, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни қайта қўриш тўғрисида дил сўзлари, эзгу тиллақлар айтилди.

Дарҳақиқат, бирлашма жамоаси янги марраларини қўлаб меҳнат қилмоқда. Бирлашма бош директори Валерий Татосов билан қилган суҳбатимиз ҳам корхонанинг босиб ўтган йўли-ю, унинг ҳақиқий фидойилари ҳақида, ишлаб чиқаришни қайта қўриш борасида қандай режалар белгилаётганини хусусан бўлди.

— Валерий Георгиевич, авваламбор корхонанинг босиб ўтган йўли ҳақида гапириб берамизми?

— Биринчидан, корхона ташкил топган эмас, балки қўриб келинган. Бунга Улуғ Ватан уруши сабабини бўлган. Ушундан корхона Москвадан 40 километр ташқарида, яъни Фрязино шахрида жойлашган эди. Немис фашист босқинчилари мамлакатимизга босиб кирганидан кейин ҳамма каби бизнинг корхонамиз ҳам қўриб чиқариш ҳақида буйруқ олинди. Натижада 1941 йил ноябрь ойида Фрязинодан биринчи 500 кишидан иборат ишчи ва хизматчилар Тошкентга келди. Улар орақидан теда дастгоҳ ва ускуналар олиб келтирилди.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, корхона ўша вақтда қуруқ майдонда дунёга келди. Лекин завод шундай тез суръатларда қурилдики, бу ишни ҳозирги замонда ҳам тасаввур қилиш қийин. 1942 йил июль ойида корхона ўзбек дерида туриб, фронт учун жуда зарур бўлган маҳсулотларини бера бошлади.

Корхона уруш йиллари ва ундан кейин кўп даврлар давомида фақат мудофаа ҳаракатига эга эди. Шунинг учун собик Совет Иттифоқи қуролли кучлари радиостанцияларини алоқа приемниклари, лампа ва бошқа қисмлар билан таъминлаб келди. Унинг маҳсулотлари ўша даврда жуда машҳур эди. Ҳатто корхона лампалари, «Комитери» радиостанцияларига ҳам ўрнатилган.

Биз завод тарихи ҳақида гапирар эканмиз, унинг биринчи директори М. Сергеев, муножини Д. Чернов ҳамда бош муҳандиси А. Сороскин ва бошқалар ҳақида гапирмай ўтолмаймиз. Чунки би-

— Ҳақиқатан ҳам, бирлашма кўп йиллар мобайнинда мудофаа вазирлигининг қўлида иқтисодиётдан фойдаланиб келди. Лекин ҳозирги кунда у олдинги бир корхона сифатида фаолият кўрсатмоқда. Яъни, биз учун ҳеч қандай нитиёлар йўқ. Айтиш пайтда шаҳардан минглаб жамоалар каби бирлашмада ҳам муаммолар тўлиб-тошиб ётмоқда. Масалан, биздан маҳсулот оладиган корхона ва ташкилотларини олайлик. Улар ҳозир биздан 500 миллион сўм қарадирлар. Ўша қарадирлар бугун эрта ундириб олиш жуда қийин. Шундай экан биз корхонага керак бўлган хом ашёни қайси нуқта олаёмиз? Ишчи ва хизматчиларга олийкани қаердан олиб берамиз? Шундай шароитда катта бир

ринчи бўлиб дастгоҳларини ўрнатиш ва корхонани теда маҳсулот ишлаб чиқаришида улар фаол қатнашганлар.

Урушдан кейинги йилларда эса корхона аста-секин ривожлана бошлади. Бунга замон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш сабаб бўлди.

## \* Меҳнат жамоаларида КОРХОНА ФИДОЙИЛАРИ

Мамлакатда радиоприёмник ва телевизор ишлаб чиқариш қўлайгандан кейин бирлашмада ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш поғонамапоғона ўсиб борди. 1956 йили анча мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхонанинг шохобчаси ишга тушди. 1963 йил эса янги бир йили фойдаланишга топштирилди. Бу корхонага конструкторлар бюросига олиб берилди. Натижада корхона учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга теда ва соҳа ҳаётга талдиқ эти бошлади.

Илгарилари «Фотон» иқтисодий жиҳатдан жуда баҳаванат корхоналардан ҳисобланарди. Бу унинг мудофаа вазирлигига қарашлилигига ҳам боғлиқ эди. Шунинг учун бирлашма маҳсулот ишлаб чиқариш фойдаланарди. Ҳозир ҳам шундайми? Унда кейин корхона ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликларини қандай енмоқда?

— Корхона яқин келажакда яна бир неча халқ истеъмолчи буюмларини ишлаб чиқаришни режалаштирган. Шу йил охирида бирлашма конвейеридан биринчи телевизор тушиши керак. Бу соҳада ҳамкорлик қилишга оқ-қора телевизор ишлаб чиқарадиган «Вена» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузди. Ҳозирча корхонада телевизор фақат Янгилари. Аммо, келажакда унинг ҳамма қисмларини ўзимиз тайёрлаймиз.

Бундан ташқари бирлашма хорик билан ҳам алоқадорлик мустақиллашмоқда. Айтишча бизнинг Италиянинг «Марселла» фирмаси қизиқтириб қолди. Бу фирманинг буюртмаси билан яқинда рангли телевизорлар учун маҳсулот қилишлар тайёрлаб берамиз. Шу йилнинг ўзида шартномага асосан чет элдан маҳсулот уюштириш керак. Шунингдек, корхона келажакда Хитой фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

Хуллас, бирлашма ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти қонунин билан яшамоқда. Корхонада янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. 1995—1996 йилларга келиб халқ истеъмол буюмлари бирлашманинг умумий ишлаб чиқариш қўрсаткичининг 50 фоизини ташкил этади. Бу вазифаларнинг ундамасдан албатта қийин. Чунки корхонамиз муваффақиятларига салмоқли ҳисса қўлган Федор Сиомоненко, Максим Скубеинов, Мунира Топилова, Зинаида Швенцова ҳамда Евгений Александров каби фидойиларимизнинг издошлари кўп. Бугун корхона меҳнат аҳли бугунги кунда бутун диққат-эътиборини зиммага олган топшириқларини бажаришга қаратган.

Гулном ЮСУПОВ.

КЕКСАЛАРИМИЗ уй остонада бошланади, дейишади. Яъни унга қараб ўша унинг эгасига баҳо берилади. Хусусан шахримизга ҳар кунги минглаб одамлар, меҳмонлар келиб кетишади. Лёкин, яна шу меҳмонларнинг пойтахтимиз ҳақидаги тасаввурлари қандай? Бу саволга жавоб беришдан олдин бир мисол келтирмоқчиман.

Яқинда уйга келган меҳмонни кузатиш учун Жанубий вокзалга бордим. У ерда одатдагидек, тонг сахарданок йўловчилар чипта олиш ниятида кассаларга турнаётган бўлиб навбатда туришибди. Аммо уларнинг умидларига кассалар яқинлашган биланок чипта олиш бўлаётти. Сабаби поездларга чипта йўқ.

Биз ҳам навбатда турдик ва «Фақат умумий вагонда жой бор» деган жавобни олдиқ. Кетадиган меҳмонларнинг бири кўлида касал боласи бор эвл бўлганлиги учун мен кассир аёлга ҳеч бўлмаса ётиб кетадиган жойдан чипта беришини илтимос қилдим. Лекин у пинагини ҳам бузгани йўқ. Бошқа кассаларга навбатга турдим. Яна худди шу жавоб. Кассанинг очилганига энди ярим соат бўлган, аммо унда чипта бўлмаслиги менда шубҳа уйғотди.

Чунки навбатда турганимда бир алп қомат йигит келдида, «Кимга чипта керак деди. Ўша менга керакли жойга, яна юмшоқ вагонга бор экан. Нарҳи осмонда. Хуллас, инкалемиз келишмоқда.

Мен уни олдин кетолмай қолганлардан бўлса керак деб ўйлагандим. Аммо афсуски, у

ҳар бир йўловчига шуни тақдир қиларди.

Кассирнинг исми шарифини сўраганим, раҳбари билишини айтиди. Чипта йўқлигига энди эса мутлақо ишонмадик. Чунки дедая-дедая йигитлар микшикернинг кўз олдидан олибсотирилган қилаётган бўлса. Қандай уларга «ишонин мумкин!

Бир амаллаб эрталик поездга чипта олдим. Лекин шу кунин қанчадан-қанча умид билан келган йўловчилар чипта топиб қолмади қилишдикини! Шу нарса менни кўп ўйлантирди. Чунки бошқача ҳузурига намот истаб келганлар анчагина эди. Улар орасида турли тоифадagi инсонлар, ҳаттоки Улуғ Ватан

ка фикрда қолдим.

Бир амаллаб эрталик поездга чипта олдим. Лекин шу кунин қанчадан-қанча умид билан келган йўловчилар чипта топиб қолмади қилишдикини! Шу нарса менни кўп ўйлантирди. Чунки бошқача ҳузурига намот истаб келганлар анчагина эди. Улар орасида турли тоифадagi инсонлар, ҳаттоки Улуғ Ватан

ка фикрда қолдим.

Бир амаллаб эрталик поездга чипта олдим. Лекин шу кунин қанчадан-қанча умид билан келган йўловчилар чипта топиб қолмади қилишдикини! Шу нарса менни кўп ўйлантирди. Чунки бошқача ҳузурига намот истаб келганлар анчагина эди. Улар орасида турли тоифадagi инсонлар, ҳаттоки Улуғ Ватан

ка фикрда қолдим.

фойдаланиб, сизга чипта топиб беришади.

Олдинлари ҳар ҳолда тартиб-қоида деган нарсаси бор эди. Олибсотиладиган хуқуқ посбонларнинг кўрсаси қочибди. Ҳозир эса уларнинг кўз олдинда оқиндан-оқичи сотишлатди. Ҳаттоки, навбатчи милиционернинг ўзи ҳам кассаларга бориб чиптага буюртма бераётти. Турли томондан келган одамлар эса бунинг кўриб туришибди. Шундай пайтда ҳайрон қолсан, биз ишонган хуқуқ посбонларимизни қимчи қилишлатди! Олибсотиладиганми ёки бизнингми? Вокзалдаги бу йигитлар бу ерга келган ҳар бир кишига «Керга чипта керак, тўрилаймиз» дея шай туришибди. Қизиқ, қандай йўқ чиптани улар қаердан олишаркин! Ушаксий кассаси бўлмас!

Чипта масаласида жуда кўп йўловчилар билан ҳамсухбат бўлдим. Улар ҳам бу масалалар қачон бор нага тушганини, бу каллоблар қачон тағтотмири билан йўқотилишини жудежуда хоҳлашди ва истади.

Баъзан, ўйлаб қолсан киши. Наҳотки, бозор дегани шу бўлса деб. Тартиб-қоида, инсонийлик деган гаплар бор. Қолаверса, шахар бедарвоза эмас. Бундай аҳоли қачонгача давом этаркин! Анабо, наҳотки, маҳаллий вокзалимизда қаттиқроқ тартиб-нигоз ўрнатилган, олибсотирилган қилаётганларнинг тавобини тортиб қўйадиган биронта мард топиламан! Наҳотки, шахримизда келган меҳмон чипта йўқлигиндан ранжиб кетса!

Илҳат АҲМЕДОВ.



«М а л и к а» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-фабрикаси маҳсулотлари нафақат республикамизга, балки хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилади. Айтишча ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхонада тинилган киийимлар ўзининг хушбичимлигини, сифатлилигини билан ажралаб туради.

СУРАТДА: 2-фабрика тикувчилари иш устида.  
Рустам Шарипов сурачлари.



\* Кули ул одамлар

# ЯХШИЛАР ЯРАТГАН ЯШИЛЛИК

ИНСОН ўзи яшаётган гўшанини савгани учун, уни меҳрихлос билан ораста қилиб, гўзаллик бағишлайди. Биз истиқомат қилётган уй ҳам чиройли, фойдали, жуда ёқимли! Жаҳон Обидова кўчасидан шаҳарга келаверишда, ўнг томондаги тепаликда бунёд бўлган тўққиз қаватли улкан оқ бино ям-яшил дов-дарактлар қўйнида денгизда сузиб бораётган оқ кемага ўхшаб кўринадди. Атроф жуда сўлим. Кўнчиқарда Ботаника боғи, бир томонда Мингўрчи кўчаси, яна бир томонда Бодомзор маҳалласи боғлари яш-наб, табиат жамолига ҳусн қўшиб туради.

Уйимиз ён-теваригида эса каттагина очик майдон, буш ерлар бор. Дастлаб кўчиб келганимизда ҳаммаёқ ўйимиз-чўқур, қурилишдан қолган тош, шөгал, қум-оҳақ, темир-терсақ, хар хил ағлат чиқиндилардан ғаробазор бўлиб ётарди. Кўпчилик кўни-қўшнилари имконига яраша ерларни бўлашиб олиб, ораста қилишга, боғ-роғ яратишга киришишди.

яшн билишаркан... Томорқаларида эртанги картошка, кейин сабзи, булғор гаримдориси-ю, турпача экиб, ҳосил олишди. Ҳозир уч-тўрт ариқча саримсоқ пиёз экиб қўйишди.

— «Узбексельмаш» заводидан ишлайдиган Илҳомжон Фармонов ҳам хотини Нафиса-ой билан анча-мунча сабзавот экиб, ҳосил олишди.

— Олим Миржалил акани айтмайсизми, дам олишни ҳам йиғиштириб қўйиб, ўғил-қизлари билан ерни тош-шағалдан машаққат билан тозаладилар. Хар хил сабзавотлар, мевали дарактлар, хатто узуму анжир ўстирдилар, барака топишсин!

Сўхбатга Рустамжон кўшилди:

— Уйимиз орқасидидаги паст-баланд ерни миллионер Ҳасанжон Ниезов жияни ва умр дўсти Гулнораҳон билан тош-шағалдан тозалаб, машина-машина тупроқ тўктириб экин-зорга айлантди... Халол меҳнат қиладиган йигит экан, отасига раҳмат!

аил, кашмиқ, жамбил, кўкпиёз, шовул, зира, райхон, укроп каби ошқуқлар, гулзорларга турфа гуллару, ранго-ранг бутангилар экилган. Узбек кўни-қўшнилари мевали дарактлар ўтказишга алоҳида эътибор беришган. Ҳамма боғча-томорқаларда олма, ўрик, гило, олча, нок, беҳи, олхўри, шафтоли, узум каби мевали нав-ниҳоллар, наъматақ, гултожи-хўроз, хина, ўсма, гулхайри каби шифобахш ўт-ғиёҳлар барқ уриб ўсайпти. Бир кун, бу ерга меҳмон бўлиб келган зукко кишиларнинг мана бу баҳсини эшитиб қолдим. Улардан бири ҳамроҳидан ўсмоқчи-лаб сўради:

— Қўриб айтгинчи, кимнинг томорқаси чиройли!

— Анависин!

— Йў-э, анависидан мана буниси!

— Йўқ, бунисига қараганда ана унис чиройли экан!

— Келинг, кўйинг талашмайлик, — деди кулиб меҳмонлардан бири. — Бу ердаги ҳамма боғ-томорқа бир-биридан чиройли экан, шу «дом»да турадиган одамларнинг олгани

Хар кун оқшомида, айниқса шанба, якшанба кунлари кўп қаватли уйимиз атрофи байрамдек гавжум бўлиб кетади. Чақалоқларнинг кўтарган келин-кеватлар, гўдак-набираларини етаклаган чол-кампирлар, шодон ўйнаб-қулаётган бола-бақралар боғча-томорқаларида тинмай гилдираб ишлайётган қиз-жувонлар, забардаст йигитлар ям-яшил оламга фойз-тароват бағишлаб юборишди. Улар орасида Санобар Жуманова, Гулнораҳон Тоирова, Мубо-рак Аадирова, Гулнораҳон Ние-зова, Фотиҳахон Мирзахмедова, Мухаддасхон Уфбосарова, Раҳимхон Каримова, Элла Мухторова, Халилова, Орзухон Марғубахон, Номнахон, Лунзахон, Махфузахон, Болижон каби ўнлаб дилбар келин-сингилларим, Рустам Давлатов, Шухратжон Минаматов, Махмуд Каримов, Раважонжонлар каби ўнлаб элга бел боғлаб хизмат қилётган мардона аҳил ва ғиёқ кўни-қўшнилари-римини кўриб олам-олам қувонаман.

Яхши ният билан яшил боғ яратётган, ўз уй-гўшанини ораста қилётган бизнинг кўп қаватли уйимизни истаган чет эллик меҳмонга кўрсатиб фахрланиш мумкин. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида руҳи-иродасини қўлга олиб тинчгина рўзгор тёратаётган чиндамли, меҳр-оқибатли ва ҳимматли кўни-қўшнилари-мига бахт, сихат-саломатлик тилаймэн. Солиқ кишилар боғ ярат-са бор тотиғи, машаққат че-киб меҳнат қилган роҳат-феро-ғатга эришадди, иншооллох, кўни-қўшнилари-ми-нинг умр-йў-лари шунақа ҳидоятли йўл!



«Минг кўшчига бир бошчи керак», деганларидек, ўтади-ган тўй-маросимларга Эрали ака Турдиев, Иброҳим Умаров, Раважон Тоиров, Ғайбулла Жуманов, Комилжон Нурмухамедов, Олимжон Утбосаров, Рустам Раҳматуллаев, Илҳомжон Фармоновлар доим бош-қош бўлиб туришадди. Кўни-

Бир-икки йил ичда янги ўт-қазилган ниҳоллар буй чўзиб, ҳатто бу йил нишона ҳосилга ҳам кирди. Тошкент Давлат муаллимлар институтининг ўқитувчиси Эрали ака Турдиев бу ерда яратган боғ гўшага айлан-ди. Боғ ўртасига у киши қўйган оқ темир сўрида иш-дан ҳориб-чарчаб келган кўни-қўшнилари бир пиёла кўк чой ичиб, гурунглашадиган бў-лишди. Кўни-кеча Эрали ака билан дилкашлашиб қолди:

— Инсон қўли чинданам гул-да! — деди у киши атроф-даги яшилликдан завқланиб. — Қаранг, хароб бўлиб, тош-ша-гал босиб, хар хил қотишма-лар қўшилиб ётган ерни одам-лар тозалаб, соддек тараб-парвариллаш боғ қилишди... Лекин осон бўлмади.

— Ҳа, осон бўлмади. Ғай-буллажон борку, фамилияси Жуманов, жуда миришқор, ҳам меҳнаткаш йигит экан, умр йўлдоши Санобархон далада ўсган-да, деҳқончилик илмини

— Ҳозир бозорда бир кило картошка ўн-ўн беш сўм, са-бзи ўттиз сўм, — дейди Ғай-буллажон Жуманов ачинган оҳанг-да. — Шундай пайтда бўйрадек ери бор одам саб-завотим, ош-қўқим, дон-дунми экса, хар ҳолда рўзгорга ер-дам бўлади.

Ғайбуллажон турмушни би-ладиган, ақлли йигит. Ҳақ гап-ни айтиди. Ҳозир бозор қим-мат, нимани харид қиламан десанг «качиқ оламан» дейди. Шунинг назарда тутганда хар бир хонадон кафтдек ери бўл-са бирор ноз-неъмат экиб етиштирса, «ҳайт» деган туяга мадад бўлганидек, рўзгорга асқотлади.

2-кўп қаватли уйимиз ён-атрофидидаги хар бир хонадон-нинг боғча-томорқасини кўр-ган одамнинг дили яйраб, кў-зи қувонади. Томорқаларга картошка, керам, лавлаги, пи-ёз, сабзи, саримсоқпиёз, турп, қовоқ, булғор гаримдориси, қалампир, баклажон, маккажў-хори каби сабзавотлар, ши-

олтин бўлсин, қўллари гул экан, барака топишсин!

Ҳа, кўп қаватли уйимизда меҳнаткаш-мушфиқ, серғайрат, ташаббускор солиқ одамлар яшашди, Фаррош онахонимиз Матлуба Абдиева йўл-йўлка-ларини, ариқ-хиёбонларини, зи-на-йўлакларини сахар чоғидаёқ супуриб-сидириб, ораста-озода қилиб қўядилар. Хонадонлар-нинг ёш ўғил-қизлари ўқиш-дан ишдан буш вақтларида томор-қаларини ёввойи ўт-ўланлар-дан тозалаш, экин-тинкиларни суғориш, парвариллаш билан завқли меҳнат қилишди, бу уларнинг тарбиясига одоб ба-ғишлайди.

«Минг кўшчига бир бошчи керак», деганларидек, ўтади-ган тўй-маросимларга Эрали ака Турдиев, Иброҳим Умаров, Раважон Тоиров, Ғайбулла Жуманов, Комилжон Нурмухамедов, Олимжон Утбосаров, Рустам Раҳматуллаев, Илҳомжон Фармоновлар доим бош-қош бўлиб туришадди. Кўни-


Тўлқин РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: Эрали Турдиев [ўнг томонда] кўшнилари билан томорқада етиштирилган ҳосилни кўздан кечирмоқда.

Даврон Аҳмад сурати.

\* Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

## «ЗИЙНАТ», «ЭРКИН» ВА «ТЎЛҚИН»



БЕКТЕМИР ишлаб чиқариш ижара чакана савдо бир-лашмасининг янги «Зийнат» деб номланган дўкони райони-нинг энг серқатнов Хусайн Бойқаро шоҳ кўчасида қад кўтарди. Бу ерга кирган киши унинг пештахталаридан уй-рўзгор оуюмларини, кийим-кечак ва энгил машиналар-нинг эҳтиёт қисмларини топиши мумкин. Миқозларга 16 та сотувчи хизмат кўрсатадиган бу дўконда маҳсулот тур-ларига қараб бир неча бўлим ташкил этилган. Уй-рўзгор, хўжалик моллари, мебель ва тилла бўлимлари пештахта-ларининг сероблиги билан ажралиб туради. Дўкондан тижорат-васитачи бўлиш ҳам ўрин олган.

Дўкон ёнида оштанга «Тўлқин» чойхонаси ҳам одам-лар билан гавжум. Бу ерда миллий таомлар тайёрланади, чойхона ёнидаги новвойхонада эса иссиқ нонлар ёпил-моқда. Дўкон яқинида темир-бетон буюмлари, мотор за-водлари, «Иргидромаш», «Узводсестройдеталь» ишлаб чиқариш бирлашмалари жойлашган. Чойхона-ошхонанинг очилиши юқоридаги корхоналар ишчилари учун қулайлик яратди.

Районда «Эрнин» қурилиш ва хўжалик моллари дўко-ни ҳам ишга тушди. Ҳозир шахсий уй-жой қурилиши кўп бўлгани учун бу ер харидорлар билан ўта гавжум. Бу қурилиш материаллари билан савдо қиладиган районда ягона дўкон ҳисобланади.

«Шерик» кичик корхонасининг ишга туширилиши дў-конда бинокорлик материалларини кўпайтиришга хизмат қилади. Ичтик корхонада ҳозир хом гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.


Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: «Эркин» қурилиш ва хўжалик молла-ри дўкони ҳамда «Тўлқин» чойхонасининг умумий қури-лишлари.

Ходмат Мирзакаримов суратлари.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

## ТИЖОРAT ЖАБАРАЛARI BA ЭЪЛОНЛАAP



«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»НИНГ ХАЛҚАРО АВИАЙЎЛЛАРИ — БЕКАМУ ҚЎСТЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ДЕМАҚДИР!

Истамбул, Деҳли, Жидда, Тель-Авив, Шаржа, Куала-Лумпур, Урумчи, Карачи-Ўзбекистон авиакомпаниясининг пулат қушлари ана шу шаҳарлар бағрига «юмошқинна» кўниб ўтиладиган бевосита рейсларни амалга оширадилар.

Ушбу рейсларда ҳаво йўловчиларига жаҳон стандартлари даражасида аъло сифатли хизмат кўрсатилади.

Замонавий ТУ-154, ИЛ-62, ИЛ-86 ҳаво лайнерла-ри қанотида Сиз учун нуфузли меҳмонхоналарда-гидай қўлайлик ва шинамлиқ ҳамда худди ўз уйингиздагидек хотиржамлик кайфиятини таъмин-лашади.

ҲАВОЙИБОТЛАР дейсизми? Шарқнинг бетақ-рор манзаралари ва ноёб меъморлик обидалари туркумлари ҳали шу пайтга қадар ҳеч кимни ло-қай қолдирган эмас.

КОРЧАЛОНЛИКМИ? Бу ёғидан ҳам кўнглин-гиз хотиржам булавирсин. Ҳам хусусий, ҳам олий даражадаги энг манфаатли ишбилармонлик ва савдо алоқалари амалга оширилади.

ИСТИРОҲАТМИ? Бундай дам олиш куч-қув-ватингизни ошириб, маънавий қудратингизни юк-салтиради.

ШАРҚ СИРЛАРИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ «ЎЗБЕ-КИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ОРҚАЛИ УТАДИ!



УЧИШ ВАҚТИ — МАҲАЛЛИЙ

БАРЧА ЗАРУР МАЪЛУМОТЛАРНИ СИЗ АВИАКОМПАНИЯНИНГ ПРОЛЕТАР КЎЧАСИ, 41-УЙДА ЖОЙЛАШГАН ХАЛҚАРО БЎЛИМИ-ДАН ОЛАСИЗ.

ТЕЛЕФОН: 32-73-77.



26 СЕНТЯБРЬ КҮНИ СОАТ 11.00 ДА «МЕҲРЖОН» БОЛАРА МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИДА III АНЪАНАВИЙ «МЕҲРЖОН-ШУКРОНАЛИК» БАЙРАМИ УТҚАЗИЛАДИ

Байрамда Тошкент вилоят туманларининг миришқор деҳқонлари етиштирган мева ва полнз маҳсулотлари кенг ёйма савдолари ташкил этилади. Республикаимизнинг таниқли хонадалари ва энг яхши ба-дийий жамоалари дам олувчилар хизматида бўладилар. Аския, қизқич-лик, халқ миллий уйинлари байрамимиз фойзига фойз қўшади. Мева ва полнз маҳсулотларини давлат нархида харид қилиб, мириқиб дам оласиз.

БАЙРАМИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ ДУСТЛАР! БАЙРАМИМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:

ЎЗБЕКИСТОН САВДО УИИ. «АСТРОВАЗ» СУҒУРТА ЖАМИЯТИ.

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

корхоналардаги амалий иш тажрибасига эга бўл-ган ва ўзбек ҳамда рус тилларини биладиган малакали ҳуқуқшуносни

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

«РЕМБИТТЕХНИКА» ФИРМАСИДА СИЗ СОАТ ТУЗАТИШ БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ УСТА ИХТИСОСИНИ ЭГАЛЛАШИШНИ МУМКИН

Фирма куйидаги ихтисосликлар бўйича мутахасссларни тайёрлайди:

- йирик габаритли соатларни таъмирловчи уста;
- электрон соатларни таъмирловчи уста;
- кварц соатларни таъмирловчи уста;
- механик кўл соатларини таъмирловчи уста.

Назарий ва амалий машғулотларни юқори малакали мута-хассслар олиб боришди.

Уқш тугатганидан сўнг битирувчиларга билимига кўра раз-ряд берилди ҳамда уларни «Рембиттехника» фирмаси то-монидан иш билан таъминлаш кафолатланади.

Уқш муддати — 6 ой.

Таълим учун 6 минг сўм тўланади.

Маълумотларни 55-27-16 телефони орқали олишингиз мумкин.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

23 ОКТЯБРЬ соат 18.00 да

24, 25 ОКТЯБРЬ соат 14.00 ва 18.00 да

**БИРГА БЎЛСАК ОЛАМ ГУЛИСТОН**

Ўзбекистон пойтахти қасаба уюшмалари мувофотининг биринчи совридорларининг концерти

Ғиёс ВОИТОВЕВ  
Обид АСОМОВ  
«ЯЛЛА» ансамбли

ЯНГИ ҚЎШИҚ ВА ҲАЭИЛ КЕЧАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР.

Жамоа бўлиб келишга буюртмалар қабул қилинмоқда. Мурожаат учун телефонлар: 56-76-97, 56-85-76.

УЙИНИЗ ВА ХИЗМАТ ХОНАНГИЗДАГИ ТЕХНИКА АНЖОМЛАРИ БЕНОУСОН ИШЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ!

Бунда «Рембиттехника» фирмаси Сизнинг энг яқин ёрдам-чингиз бўла олади.

«Рембиттехника» фирмаси 1993 йилда куйидаги анжом-ларга техник хизмат кўрсатиш учун корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузди:

- холодиликлар;
- кир ювиш машиналари;
- чанг ютичлар;
- тикув машиналари;
- калькуляторлар;
- ёзув машиналари;
- мусиқа асбоблари;
- кондиционерлар.

Фирма хизматини тез ва аъло сифатли даражада амалга оширишга қаролат беради.

Маълумотлар учун телефон: 55-27-14.

Фирмаимиз манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, П. Полторацкий кўчаси, 89-уй, «Рембиттехника» фирмаси, 2, 57, 80-автобуслар-нинг «ГАИ» бекети.

ШНФЕР ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

● Хоҳловчиларга саккиз қиррали шнферларни таклиф этамиз. Шнфер миқозларининг уйларида етказиб берил-ди. 76-35-21 телефонига соат 10 дан 20 гача қўнғироқ қилинг.

СОТИЛАДИ

● Тўйтапдан бир оз навроқда, денгиз бўйида жой-лашган ҳовлиси дарахтзор участка сотилади.

Телефон: 62-73-20.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

троллейбус ҳайдовчиси мутахассислигини эгаллашни хоҳлайдиган барчани

КЎРСЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

21 ёшли шахслар таклиф этилади. Уқш вақти-да ойига 800 сўм миқдориди стипендия, малака синовлари даврида эса 1500 сўмгача ҳақ тўлана-ди. Ҳайдовчининг ўртача иш ҳақи 6000 сўм бўлиб, уларга қуйидаги имтиёзлар берилди:

— электр транспортада бепул юриш;

— ҳайдовчи бўлиб 10 йил ишлаган аёллар 50 ёшдан, ҳайдовчи бўлиб 15 йил ишлаган эркеклар 55 ёшдан пенсияга чиқадилад.

Бошқа имтиёзлар ҳам бор.

1-троллейбус депосининг Т. Шевченко кўчаси, 28-уйда жойлашган расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилинсини.

Телефон: 56-17-83.

**МУАССИСЛАР:** Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан таъқари ҳар кун и ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрият-матбаатчилик концернининг босмаҳонаси.